
ZAMIN XALQARO JAMOATCHILIK FONDI KUMAVIDA MARFILON SHAHRINI BMTNING "GLOBAL AXAMIYATGA EGA QIШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕРОСИ ТИЗИМЛАРИ" РЎЙХАТИГА КИРИТИШ УСТИДА ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокимлигида БМТнинг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг "Глобал аҳамиятга эга қишлоқ хўжалиги мероси тизимлари" (GIAHS) дастури экспертлари билан ушрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршиджон Аҳмедов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Азимжон Юлдашев, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Дилшоджон Фозилов иштирок этдилар.

Ҳозирги кунда БМТнинг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг "Глобал аҳамиятга эга қишлоқ хўжалиги мероси тизимлари" (GIAHS) дастури доирасида Ўзбекистонда GIAHS мақомини олиш учун танланган ҳудуд сифатида қаралиши мумкин бўлган ҳудудларнинг миллий рўйхати шакллантирилмоқда. Бундай тизимлар кўпинча ҳудудий ривожланишнинг асоси бўлган қишлоқ хўжалиги биохилма-хиллиги, барқарор экотизимлар ва қимматли маданий меросни ўзида мужассам этган ажойиб ландшафтларни ўз ичига олади.

Ушбу рўйхатга Марғилон шаҳри ҳам киритилиши кўзда тутилган бўлиб, айти пайтда FAO Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Zamin Халқаро жамоатчилик фонди кўмагида GIAHS объектлари учун қўйилган зарур мезонларга жавоб берадиган Марғилон ҳудудидаги ипакчилик тизими ва унга боғлиқ фаолиятни ўрганиш бўйича лойиҳани амалга оширишга киришди.

Шу мақсадда миллий экспертнинг вилоятимизга ташрифи ташкил этилиб, вилоят ҳокимлигининг ташкилий кўмагида мазкур қишлоқ хўжалиги тизимини янада чуқурроқ ўрганиш ва кейинчалик халқаро рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тузилди.

Дастлабки материаллар асосида халқаро экспертлар ва FAO бош идораси ходимларининг 15-19 июль кунлари вилоятимизга ташрифи режалаштирилган бўлиб, лойиҳанинг маҳаллий иштирокчилари хабардорлигини ошириш мақсадида семинар ўтказилиши ҳам белгиланган.

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган учрашувда халқаро экспертлар ва ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш давомидаги амалга ошириладиган ишлар тақсимоли муҳокама қилинди.

GIAHS БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг 2015 йилда бошланган дастури бўлиб, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги учун биологик хилма-хиллик ва генетик ресурсларни сақлашга ҳисса қўшадиган анъанавий қишлоқ хўжалиги тизимларини тан олиш, қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда уларни ҳурмат қилишга қаратилган. Шу билан бирга, тизим қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш ва билимини ошириш, уларнинг маданияти ва кадрларини сақлаб қолишга ҳам катта эътибор қаратади.

2024-07-15 16:05:20